

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

2-сон
(190)
2006 й.
январь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

6. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ–3709-сон Фармони
7. «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПФ–3713-сон Фармони
8. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ–255-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

9. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарори

Бешинчи бўлим

10. «Пул маблағларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 26 ноябрдаги 26/5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 11 январда 1535-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
11. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича Сертификат бериш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2005 йил 21 декабрдаги 155-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 12 январда 1360-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 7 январдан 13 январгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

6 Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

1. Қуйидагилар мамлакатда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум етиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари деб ҳисоблансин:

а) тармоққа бозор иқтисодиёти тамойиллари ва нормаларини ҳамда шартнома муносабатларини кенг жорий этиш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни талабларига қатъий мувофиқ равишда, мавжуд ихтисослашувни сақлаган ҳолда фермер хўжаликлари этиб қайта ташкил қилиш;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, ўз меҳнати натижалари, етиштирилган маҳсулот ва даромадларини тасарруф этишда фермерларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажариш ва ер-ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун уларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини ошириш;

в) фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан замонавий кичик технологияларидан фойдаланадиган, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокидаги агросаноат фирмаларини ихтиёрийлик асосида шакллантириш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш;

г) тугатилаётган ширкатлар ҳудудида зарур ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси — муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш пунктлари, мини-банклар, турли тара идишлар ишлаб чиқариш ва сотиш пунктлари барпо этиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

а) мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларининг экин майдонларида ташкил этиладиган фермер хўжаликлари махсус комиссиялар томонидан очиқ ва ошқора танловлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади, уларнинг натижаларига кўра бошқа тенг шартлар бўлгани ҳолда, мазкур участкада оилавий пудрат асосида ишлаган ширкат аъзоларига фолиблик ҳуқуқи берилади;

б) боғ ва узумзорлар фермерларга кимошди савдолари орқали сотилади, савдоларда мазкур соҳада муайян иш стажини ва малакаларига эга бўлган даъвогарларнинг иштирок этишларига йўл қўйилади;

в) боғ ва узумзорлар жойлашган ер майдонлари кимошди савдоси фолибларига ҳадя қилиш, сотиш, гаровга бериш, айирбошлаш ва субарендага топшириш ҳуқуқини бермаган ҳолда узоқ муддатли ижарага топширилади;

г) боғ ва узумзорларни кимошди савдосида сотишдан тушадиган маблағлар энг

аввало тугатилаётган ширкатнинг кредиторлик қарзини узишга йўналтирилади, маблағларнинг қолган қисми ширкат пайчилари ўртасида уларнинг пайларига мутаносиб равишда тақсимланади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этилган фермер хўжаликлари ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан тўла қоплаш тамойиллари асосида амалга оширади;

б) фермер томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, ер ресурсларидан мақсадга номувофиқ ва нораціонал фойдаланган, шунингдек ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси талабларини бажармаган тақдирда шартнома белгиланган тартибда суд орқали муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин;

в) фермер хўжалигида ходимлар, жумладан хўжалик эгасининг оила аъзолари, шунингдек вақтинча (мавсумий) ёлланадиган фуқаролар ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат шартномалари (контрактлари) тузиш йўли билан тартибга солинади;

г) мева-сабзавотчилик ва узумчилик фермер хўжаликларининг қайта ишлаш корхоналари ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар билан ўзаро муносабатлари, маҳаллий бошқарув органлари аралашмаган ҳолда, тузилган узоқ муддатли шартномалар, шу жумладан фьючерс шартномалари асосида амалга оширилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХК, хўжалик юритувчи субъектлар агросаноат фирмаларини шакллантириш ва фаолиятини ташкил қилишда қўйидаги асосий тамойилларга амал қилсинлар:

а) агрофирмалар фермер хўжаликлари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади, айни чоғда муассислар таркибига фермерлар билан бир қаторда барқарор хўжалик алоқалари ва илғор ишлаб чиқариш технологияларига эга бўлган, шунингдек яқин ҳудудда жойлашган мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар кириши мумкин;

б) агрофирмалар исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда, жумладан хорижий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналар шаклида ташкил қилиниши мумкин;

в) фермер хўжаликларининг агрофирма таркибига кирган қайта ишловчи ва бошқа корхоналар билан ўзаро муносабатлари тузилган узоқ муддатли шартномалар асосида амалга оширилади, уларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан етказиб бериладиган маҳсулотнинг камида 30 фоизига аванс берилишини ва кейин унинг харид қилинишини таъминлаш аниқ белгилаб қўйилади;

г) агрофирма муассислари — фермер хўжаликлари шартномадан ташқари етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини ўз хоҳишига қараб ички бозор ва экспортга сотади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси (Мирзиёев) манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмаларини шакллантириш ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Янги боғ ва узумзорлар барпо этилишини ҳамда мавжудларининг ҳосилдорлигини оширишни, агросаноат фирмалари ташкил қилишни рағбатлантириш учун:

а) тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан — 5 йил муддатга;

б) янги ташкил этиладиган агросаноат фирмалари даромад (фойда) солиғи тўлашдан, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган

қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан — 3 йил муддатга озод қилинсин.

Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармон талаблари ва қоидалари бажарилишини таъминлайдиган қарор лойиҳаси ҳамда аниқ ташкилий тадбирларни тақдим этсин.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХКнинг бошқарув тузилмаси танқидий қайта кўриб чиқилсин, бунда компания спирт, ликёр-ароқ ва виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича корхоналар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш функцияларини сақлаб қолиши, консерва саноати корхоналари эса агрофирмалар таркибда иштирок этиш имконияти билан мустақил фаолият кўрсатиши назарда тутилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 9 январь,
ПФ-3709-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

7 Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Автобуслар парки изчил янги-ланмоқда, сервис хизмати тармоғи ташкил этилган ва бу йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш имконини бермоқда. Шаҳар йўловчи транспортининг янги, мунтазам йўналишлари очилди, метрополитеннинг Юнусобод йўналиши ишга туширилиши таъминланди, хусусий йўловчи ташувчилар кўрсатаётган хизматлар ҳажмини ошириш имконини берадиган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Шу билан бирга, жамоат транспортида аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида бозор механизмларини жорий этиш жараёни сустр бормоқда. Хусусий йўловчи ташувчиларнинг тендер савдоларида иштирок этишида ва йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишидаги турли чеклашлар транспорт хизматлари бозори ривожига тўсқинлик қилмоқда. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясида корхоналарнинг низом жамғармасидаги давлат улушини қисқартириш бўйича мақсадли ишларнинг амалга оширилмаётгани автобус парклари, ҳайдовчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўналишларда вақтида ва ишончли ҳаракатланиш ҳамда ҳаракатланувчи таркибни сақлаш ва йўловчи

ташиш таннархини пасайтириш борасидаги мустақиллиги, моддий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш имконини бермаяпти.

Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошкора рақобат учун қулай шароит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи ташишлар бўйича буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш, йўловчи транспорти ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш мақсадида:

1. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси Кенгашининг мазкур компанияни тугатиш тўғрисидаги қарори маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошшаҳарйўловчитранс» АК негизида йўловчилар ташиш бўйича «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси Тошкент шаҳар йўловчи транспорти соҳасида ишлаётган ҳўжалик жамиятлари, давлат, хусусий ва бошқа ташкилотларни шартнома асосида бирлаштиради, ўз фаолиятини мустақил юридик шахс сифатида тўлиқ ҳўжалик ҳисоби тамойиллари асосида амалга оширади;

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси «Тошшаҳарйўловчитранс» АКнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тугатилаётган компаниянинг акциядорлари олдидаги мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вори си ҳисобланади;

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига 1-иловада* қайд этилган тузилмалар киради.

4. Қуйидагилар йўловчилар ташиш бўйича «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолининг шаҳар йўловчи транспорти хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, йўловчи транспортининг йўл ҳаракати хавфсизлигининг юқори даражасига риоя этган ҳолда, йўналишларда бир маромда ва ишончли ҳаракатини таъминлаш;

транспорт корхоналари мулки, шу жумладан автотранспорт воситаларининг сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан мониторинг олиб бориш, акциядорлик жамиятларига давлат активларини сотишда ёрдам кўрсатиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча йўловчи ташувчиларга шартнома асосида хизмат кўрсатувчи, шу жумладан таъмирнинг барча турлари ва ҳаракатдаги таркибни модернизация қилиш ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

йўловчиларни ташиш хизматларига бўлган талаб, иқтисодий асосланган харажатлар ва йўловчи транспортининг рентабеллигини оширишдан келиб чиққан ҳолда, шаҳар йўловчи транспортда тарифларни шакллантиришда қатнашиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

5. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси автобус паркларининг давлат активларини хусусий мулк сифатида сотиш механизминини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи комиссия 2-иловага** мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи комиссия бир ой муддатда:

2006—2010 йиллар мобайнида «Тошавтобустранс» компанияси автобус парк-

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 2-илова берилмайди.

ларининг давлатга тегишли акциялар пакетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан жалб этилган хорижий кредитлар ҳисобига ҳарид қилинган автобусларни, мулк қийматини баҳолаш, сотиш босқичлари, тўлов жадваллари ва инвесторларнинг давлат активларини сотиб олишдан манфаатдорлигини оширишга ёрдам берувчи механизмларни кўзда тутган ҳолда, хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида;

жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида, йўл ҳақи тўлашни соддалаштириш, маблағларни тўлиқ йиғиб олиш ва хизмат кўрсатишдан тушган пулни яширишдан иборат суинистёмолликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, жамоат транспортида йўл ҳақини тўлаш тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва киритсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Транспортнинг барча турларини мувофиқлаштириш марказини Тошкент шаҳар ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси сифатида Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментига айлантириш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокимлигининг таклифи маъқуллансин ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

барча транспорт турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тармоғини тартибга солиш ва мақбул ҳолга келтириш, шаҳарда йўловчи ташиш бўйича буюртмачи вазифасини бажариш, лицензиялар бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда йўловчи ташиш йўналишларини қатъий тендер асосида белгилаш;

рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барча йўловчи ташувчилар, шу жумладан хусусийлар учун транспорт хизматлари бозорида тенг шароит яратиш, жамоат транспорти иши натижаси ва самарадорлигини баҳолаш;

шаҳар автобус ва электр транспортида йўловчи ташиш бўйича чекланган тарифларни белгилаш юзасидан Тошкент шаҳри ҳокимлигига молия идоралари билан келишилган таклифларни киритиш, уларга риоя этилишини назорат қилиш;

Тошкент шаҳрида йўловчи ташишнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш, шу жумладан ерусти йўловчи транспортида йўл ҳақи тўлаш ҳисобкитоби тизимини автоматлаштириш ва шаҳар йўловчи транспорти ҳаракат йўналишларида назорат ўрнатиш.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги жамоат йўловчи транспортини қайта ташкил этиш ва ислоҳ қилиш бўйича мазкур Фармонда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда шаҳар транспортида йўловчи ташиш тарифлари ошишининг олдини олишга қаратилган барча чораларни кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор лойиҳасини киритсин;

автобус парклари ва электр транспорти корхоналари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссия тузсин, уни ўтказиш муддатлари, аттестациядан ўтадиган шахслар ҳамда хизмат вазифалари бажарилишини баҳолаш мезонларини белгиласин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 11 январь,
ПФ-3713-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

8 Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–3709-Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш, агро-саноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги Ф–2306-сон Фармойишига асосан ташкил қилинган махсус комиссиянинг:

2006 йил биринчи чорагида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш ҳақидаги таклифлари 1-иловага* мувофиқ;

тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) худудида бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этиш бўйича таклифлари 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1-иловада қайд этилган тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) негизда фермер хўжаликларини ташкил қилишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

а) ер участкаси ижараси ҳақидаги шартномада белгилаб қўйилган мавжуд ихтисослашувни сақлаб қолиш;

б) фермерларнинг шартномага асосан боғ ва узумзорлардан, шунингдек, ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятини олиш;

в) боғ ва узумзорларни сотиш тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативининг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ кимовши савдосида амалга оширилиши мумкин.

3. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси (Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» ХК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

а) 1-иловага мувофиқ 2006 йил 20 мартгача бўлган муддатда фермер хўжаликларини ташкил қилишга даъвогарлар ўртасида холис ва ошқора танлов, кимовши савдолари ўтказишда жамоатчилик ҳамда фуқаролар йиғини вакилларини жалб этиб, ҳаққонийлик, очиқлик ва ижтимоий адолат талабларига қатъий риоя қилган ҳолда голибларнинг аниқланишини таъминласин;

б) 2006 йил 15 апрелгача янги ташкил қилинадиган фермер хўжаликлари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузишни ташкил қилсин ва уларда ишлаб чиқаришни камида 30 фоизгача аванс билан таъминлаш кўзда тутилсин;

в) 2-иловага мувофиқ ўн кунлик муддатда тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) худудида тузиладиган ишлаб чиқариш ва бозор ин-

* 1-2-иловалар берилмайди.

фратузилмаси объектларининг жойи ва уларни ташкил этиш муддатлари белгилансин;

г) ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш натижасида тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг бўшайдиган аъзоларини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда «Ўзмеvasабзавот-узумсаноат-холдинг» ХК муассисларининг мазкур компанияни «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниясига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қўйидагилар «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

а) истеъмол спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш;

б) истеъмол спирти, ликер-ароқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;

в) ташқи ва ички бозорлар бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, корхоналарнинг янги турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришига ва ташқи бозорларга олиб чиқишига қўмаклашиш;

г) тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилишга ёрдам бериш.

5. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган, ходимларнинг умумий сони 59 киши, жумладан, бошқарув ходимлари сони 41 киши этиб белгиланган «Ўзвиносаноат-холдинг» ХКнинг ташкилий тузилмаси ва ижроия аппарати тузилмаси 3-4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК «Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг» ХКнинг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси деб белгилансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига:

а) аҳоли зич яшайдиган турар жой мавзеларида ҳамда деҳқон бозорларида «даладўкон» тамойили бўйича ихтисослашган савдо шохобчалари ва дўконлари;

б) «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда фермер хўжаликларини тара идишлар ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш тармоғи;

в) Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда тугатилаётган мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига транспорт хизмати кўрсатиш тармоғини ташкил қилиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Ушбу банднинг бажарилиши ҳақида 2006 йил 1 апрелгача Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) консерва саноати корхоналари ўз фаолиятини мустақил хўжалик субъектлари сифатида амалга оширади ва ихтиёрий равишда агросаноат фирмаси таркибига кириши мумкин;

б) агросаноат фирмалари ва мустақил қайта ишлаш корхоналари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, техник қайта жиҳозлашга инвестициялар жалб этиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, ўз маҳсулотини экспорт қилиш

* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

учун вилоят даражасида ихтиёрий равишда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчилар уюшмаларига бирлашиши мумкин;

в) тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг виночилик пунктлари, мол-мулк қиймати белгиланган тартибда қопланган ва тушган маблағлар тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)нинг кредиторлик қарзларини тўлашга йўналтирилган ҳолда, «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК виночилик корхоналари ихтиёрига ўтказилади.

8. 2010 йилгача бўлган даврда қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашни ҳисобга олган ҳолда, уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 5-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш, уларни экспорт қилиш борасида катта имкониятга эга бўлган энг истиқболли ҳудудларни қамраб олган ҳолда, Мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш дастурини тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сон Фармонида кўра, давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб:

а) тугатилаётган ширкатлар негизида ташкил этилаётган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғини тўлашдан — 5 йил муддатга;

б) янги ташкил этилаётган агросаноат фирмалари даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан — 3 йил муддатга озод этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли равишда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар яратиш ва уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тақдим этсин.

13. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 11 январь,
ПҚ-255-сон

* 5-илова берилмайди.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармони амалга ошириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармони амалга ошириш юзасидан ва айниқса қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларини бажаришга жалб этиш учун иш берувчиларга реал рағбатлар яратиш, касаначиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Касаначилик тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун намунавий меҳнат шартномаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

2006-2007 йилларга ва кейинги йилларга мўлжалланган аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳудудий дастурларида касаначилик меҳнатини ривожлантиришга доир аниқ чора-тадбирларни назарда тутсинлар;

касаначилик меҳнатини ривожлантириш негизида саноат корхоналари ва хизматлар кўрсатиш ўртасида кооперацияни ривожлантириш бўйича фаолият мувофиқлаштирилишини таъминласинлар ҳамда тармоқ ва ҳудудий даражаларда улар амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб борсинлар. Йилнинг ҳар чорагида ҳудудлар ва умуман республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини чиқаришда кўриб чиқиш учун меҳнатнинг касаначилик шакллари ривожланиши тўғрисидаги ахборотни тайёрласинлар.

3. Тармоқлар хўжалик бошқаруви органлари тармоқларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда мураккаб технологиялар ва катта энергетика харажатларини талаб этмайдиган товарларни, бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, хизмат-

лар кўрсатиш учун фуқароларнинг касаначилик меҳнатидан кенг фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни назарда тутсинлар.

4. Белгилансинки, касаначилик меҳнати билан шуғулланадиган шахслар меҳнат шарномаси бўйича ишларни бажариш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматларга аҳоли учун қўлланиладиган тарифлар бўйича қатъий равишда ўлчов асбоблари кўрсаткичлари бўйича ҳақ тўлайдилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги касаначилик меҳнати билан шуғулланаётган фуқароларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда касаначилик меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар учун қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ имтиёзлари берилишини таъминласинлар;

ўн кун муддатда ҳар бир туманда (шаҳарда) корхоналар билан уйда маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган фуқаролар ўртасида кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳокимларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари (комиссия раиси) ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органлари раҳбарлари (комиссия раисининг ўринбосари) бошчилик қиладиган ишчи комиссиялар ташкил этсинлар.

Қуйидагилар ишчи комиссияларнинг асосий вазифалари ҳисоблансин:

йирик саноат корхоналарининг буюртмалари бўйича касаначилик меҳнاتини ривожлантириш учун жойлардаги мавжуд захиралар ва имкониятларни аниқлаш;

саноат корхоналари билан касаначилик ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш, корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда ишлайдиган фуқароларни асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш учун барқарор шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотни топшириш ва унинг учун ўз вақтида ҳақ тўлаш кафолатлари масалаларини тезкор ҳал этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси давлат статистика ҳисоботи шаклларида корхоналар томонидан корхоналарнинг касаначилик меҳнати билан банд бўлган ходимлари сони тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 11 январь,
4-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига
1-ИЛОВА

Касаначилик тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида касаначиликни ташкил этиш шартларини, шу жумладан касаначилар билан меҳнат шартномаларини тузиш тартибини, уларга асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хом ашё ва материаллар бериш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва муҳофаза қилиш, касаначиларни ижтимоий суғурта қилиш тартибини ҳамда касаначилар меҳнатидан фойдаланаётган иш берувчилар учун белгиланган солиқ имтиёзлари қўлланилиши устидан назорат қилиш механизмини белгилайди.

И. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мақсадлари учун «касаначилик» тушунчаси тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ жисмоний шахс — касаначининг яшаш жойи бўйича ёки унга ёки унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биноларда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича касаначи томонидан амалга ошириладиган ишни англатади.

2. Касаначи — 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахс.

Башарти касаначилик хусусияти касаначи билан тўлиқ якка тартибдаги моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши зарурлигини тақозо этса, 18 ёшга тўлган шахслар касаначиликни амалга оширишга қўйиладилар.

3. Иш берувчи — касаначи билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначи учун ишлаб чиқариш биносини белгиладиган, уни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, материаллар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминладиган, бажарилган ишни қабул қилиб оладиган ва унга ҳақ тўладиган юридик шахс.

4. Касаначиликни ташкил этишга агар меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиликни бажариш учун касаначи ўз яшаш жойида зарур биноларга, шу жумладан турар жой биносига, шунингдек ишни бажариш учун амалий кўникмаларга эга бўлиши, ёхуд малакага ўқитилиши шарти билан йўл қўйилади.

Касаначилик амалга ошириладиган турар жой биноларини нотурар жой бинолар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди.

5. Касаначилик технология жараёни ва бошқа шарт-шароитлар уй шароитларида бутловчи буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш имконини берадиган саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида корхоналар билан корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперация асосида ташкил этилади.

6. Қонун ҳужжатларида белгиланган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия олиш талаб қиладиган, шунингдек уйда қувватли, энергияни кўп талаб қиладиган ва техник асбоб-ускуналардан, шунингдек уй шароитларида

назорат қилиб бўлмайдиган махсус техника хавфсизлигига риоя этишни талаб этадиган хавфли кимёвий компонентлардан фойдаланиб касаначига ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) йўл қўйилмайди.

7. Ёнғин хавфсизлигининг белгиланган қоидаларига, санитария ва гигиена нормаларига, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, шунингдек касаначиларнинг уй-жой-маиший шароитлари хусусиятларига мувофиқ касаначиликнинг айрим турларига ёнғин ва санитария инспекцияси, шунингдек Давлат меҳнат техник инспекцияси органларининг рухсати билан йўл қўйилиши мумкин.

8. Касаначилар ишининг аниқ турлари уларнинг касб малакаси, саломатлиги ҳисобга олинган ҳолда иш берувчи томонидан белгиланади (иш хусусияти, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, хом ашё, материалларнинг хоссалари, ногиронларга нисбатан ТМЭК тавсиялари эътиборга олинади).

Касаначилик меҳнати қишлоқ жойларда аёллар учун, шунингдек «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида кўрсатилган фуқаролар тоифалари учун устувор тартибда ташкил этилади.

9. Касаначилар томонидан ишларни бажариш касаначи оиласининг аъзолари иштирокида (ёрдамида) иш берувчининг розилигисиз амалга оширилиши мумкин. Бунда касаначи унга ёрдам берадиган оила аъзолари томонидан бажариладиган ишлар сифати учун иш берувчи олдида жавоб беради.

Касаначига ёрдам берадиган унинг оила аъзоларига мазкур Низомнинг амал қилиши татбиқ этилмайди, башарти улар билан алоҳида меҳнат шартномаси тузилмаган бўлса.

II. Касаначи билан меҳнат шартномаси тузиш тартиби

10. Корхоналар билан тузилган меҳнат шартномаларига эга бўлган касаначилар иш билан банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади.

11. Иш берувчи қорхона раҳбари касаначи билан ёзма шаклда меҳнат шартномаси тузади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

иш жойи ва касаначининг иш ўрни жойлашган манзил;

ходимнинг меҳнат функцияси, яъни мутахассислик, малака, шунингдек касаначи бажариши зарур бўлган иш турлари;

иш бошланадиган кун, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати (муайян муддатга ёки айрим ишларни бажариш даврига меҳнат шартномаси тузишда);

меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва муддатлари;

касаначи томонидан меҳнат функциялари амалга оширилиши учун асбоб-ускуналар, жиҳозлар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни бериш тартиби;

хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни қабул қилиш ва топшириш тартиби;

моддий жавобгарлик шартлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва унинг шарт-шароитларининг зарур қоидаларига риоя этиш бўйича иш берувчи ва касаначининг мажбуриятлари;

таътиллер бериш, ижтимоий суғурта, касаначининг пенсия таъминоти шартлари;

иш берувчининг буюртмасини бажариш учун касаначининг ўз асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва инвентаридан фойдаланилган тақдирда касаначининг харажатларини қоплаш тартиби ва шартлари;

иш берувчининг буюртмасини бажариш муносабати билан фойдаланилган касаначининг энергия, сув, алоқа учун харажатларини қоплаш (компенсация) тартиби;

касанаичи меҳнат функцияларини амалга ошириш учун унга берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарни таъмирлаш бўйича иш берувчининг мажбуриятлари;

касанаичининг айби билан материаллар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар бузилиши билан боғлиқ, шунингдек маҳсулот тўлиқ ёки қисман яроқсизлиги учун зарарни иш берувчига қоплаш шартлари;

касанаичига фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарь, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни хатловдан ўтказиш ҳамда иш берувчи ва назорат органлари вакилларининг касанаичилик меҳнати амалга ошираётган жойларга кириши шартлари;

касанаичига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (электр энергияси, сув, газ ва ҳоказолар йўқлиги) муносабати билан буюртмани белгиланган муддатларда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда бу ҳақда иш берувчини хабардор қилиш бўйича касанаичининг мажбуриятлари.

Меҳнат шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

12. Бажарилаётган ишнинг хусусияти ва уни бажариш шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда касанаичи билан муддатли меҳнат шартномалари тузилишига йўл қўйилади.

13. Касанаичини ишга қабул қилишда ва у билан меҳнат шартномаси тузишда ундан талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ белгиланади.

14. Касанаичининг меҳнат дафтарчаси иш берувчи томонидан юритилади ва меҳнат шартномаси амал қилишининг бутун даврида унда сақланади. Илгари ишламаган ва меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган касанаичи учун меҳнат дафтарчаси иш берувчи томонидан очилади.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасига меҳнат шартномаси тузилиши ва тўхтатилиши тўғрисидаги маълумотларни киритиши шарт. Касанаичи билан меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда иш берувчи меҳнат дафтарчасини касанаичига бериши шарт.

15. Касанаичи билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 97—113-моддаларига мувофиқ ҳолатдан бошқача тарзда тўхтатилиши мумкин эмас.

16. Корхонанинг жамоа шартномаси шартлари касанаичиларга татбиқ этилади, башарти ушбу корхонада жамоа шартномаси тузилган бўлса.

III. Касанаичига асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар бериш тартиби, маҳсулотларни олиб кетиш ҳамда бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилиш кафолатлари

17. Иш берувчи касанаичига меҳнат шартномасида назарда тутилган ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарь тақдим этади (беради).

Касанаичига асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарь ёзма шаклда тузилган тўлиқ яққа тартибдаги моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома асосида берилади.

18. Асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарь иш берувчи томонидан касаначига текин фойдаланиш учун ёки ижара шартларида, шу жумладан лизинг (молиявий ижара) шартларида берилиши мумкин.

Иш берувчи касаначига берилаётган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарь алоҳида ҳисобга олиб боради.

19. Касаначига асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарни ижара шартларида, шу жумладан лизинг (молиявий ижара) шартларида бериш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Лизинг тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Иш берувчи меҳнат шартномасида назарда тутилган ишлар (хизматлар)ни бажариши учун зарур бўлган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларни касаначига бериши ҳамда етказиб беришни таъминлаши шарт.

21. Касаначи меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни бажариш учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларни мустақил равишда сотиб олишга ҳақли эмас.

22. Иш берувчи касаначига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг олиб кетилиши учун транспорт беришни кафолатлайди.

23. Буюртмага мувофиқ бажарилган маҳсулотларни иш берувчи томонидан қабул қилиб олиш, қоидага кўра, касаначининг ишларни бажарган жойида амалга оширилади.

Қабул қилиб олиш вақтида маҳсулотларни топшириш — қабул қилиб олиш далолатномаси тузилади, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот (буюмлар, хизматлар)нинг миқдори, иш берувчи томонидан буюмлар (маҳсулотлар, хизматлар)нинг сифат стандартларига қўйиладиган талабларга мувофиқ сифати кўрсатилади.

Касаначи томонидан иш берувчи талаб қиладиган стандартларга мувофиқ маҳсулотларни топшириш — қабул қилиб олиш далолатномаси қабул қилингандан кейин, маҳсулотларнинг кейинчалик сотилишидан қатъи назар, улар учун иш берувчи томонидан ҳақ тўланиши шарт.

24. Касаначилар томонидан буюртмачи корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ риоя қилинган тақдирда, касаначилик шароитларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва кўрсатилган хизматларни қўшимча равишда сертификатлаш ва стандартлаштириш талаб қилинмайди.

Уйда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатининг белгиланган стандартларига риоя этилиши учун жавобгарлик, улар sanoat корхоналарига қайтарилган тақдирда — касаначиларга юкланади, охириги истеъмолчиларга сотилган тақдирда эса — sanoat корхонасига юкланади.

IV. Касаначининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари

25. Касаначилар ишига, қоидага кўра, ишбай ҳақ тўланади. Ҳақ тўлаш амалда бажарилган ишлар учун ёки сифати бўйича белгиланган талабларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилгани учун амалга оширилади.

26. Унумдорлик нормалари ва ишбай нархлар томонларнинг келишувига кўра, тегишли ишлар учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган нормал иш вақти ҳисобидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ишбай ҳақ тўланадиган аниқ иш учун касаначининг иш ҳақи миқдори иш берувчининг ўз ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари сингари бўлиши керак.

27. Касаначининг иш ҳақи, унинг томонидан меҳнат нормалари ва меҳнат

мажбуриятлари бажарилган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас ва бирон-бир энг юқори миқдор билан чекланмайди.

28. Касаначининг меҳнатига ҳақ ё ҳар бир тугалланган иш топшириғи, ишлар ҳажми топширилганда ёхуд меҳнат қонунчилигида белгиланган мунтазам вақт оралиғида тўланиши керак. Меҳнат шартномасида касаначи меҳнатига аванс тарзида ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.

29. Агар касаначи ўз меҳнати амалга оширадиган жойда иш ҳақига туман коэффициентни белгиланган бўлса касаначи меҳнатига ҳақ тўлаш ушбу коэффициентни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

30. Касаначи иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлайди, унинг бажарган барча иши учун бир ҳисса миқдорда ҳақ тўланади ва унга иш вақтидан ортиқча ишлаганлик, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлик, шунингдек тунги вақтда ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилмайди.

31. Касаначи меҳнат шартномасига мувофиқ, иш берувчидан қуйидагилар учун тўлов (компенсация) олади:

иш билан боғлиқ равишда энергия, сув, алоқа, машина ва асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, транспорт харажатлари учун;

транспорт харажатлари ва улардан фойдаланиш харажатлари амортизацияси, шунингдек иш берувчининг буюртмасини бажариш учун фойдаланиладиган ва касаначининг ўз мулки ҳисобланган жиҳозлар ва бошқа асбоб-ускуналар амортизацияси учун.

Касаначининг касаначилик ишлари амалга ошириладиган хона (уй-жой) учун тўлов харажатлари, шунингдек уй-жойдан фойдаланиш харажатлари қопланмайди.

32. Иш берувчи касаначига юкланган иш топшириқлари рўйхатини юритиши керак, рўйхатда қуйидагилар кўрсатилади:

иш топшириғини бажариш учун ажратилган вақт;

меҳнатга ҳақ тўлаш ставкалари;

пайдо бўлган чиқимлар, агар касаначи томонидан бундай чиқимлар амалга оширилган бўлса;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадлардан солиқ органларига ва Пенсия жамғармасига ажратмалар;

тўланиши керак бўлган умумий ҳақ ва тўланган ҳақ.

V. Касаначининг иш вақти, дам олиш ва таътил муддати

33. Касаначи ишлаб чиқариш топшириғи ҳажмидан ҳамда меҳнат шартномасида белгиланган бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда ўзи учун иш вақти муддатини, иш жадвали ва тартибини мустақил равишда белгилайди.

34. Иш берувчи касаначи учун ишлаб чиқариш топшириғини белгилашда ишларнинг айрим турларини бажариш учун вақт нормативларини ҳисобга олиши керак, бунда бутун ишлар комплексини бажариш учун иш вақтининг умумий муддати Меҳнат кодексининг 116-моддасида белгиланган нормал ёки қисқартирилган иш вақти муддатидан ошмаслиги керак, агар бу меҳнат шартномасида кўрсатилган ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса (18 ёшга тўлмаган шахслар ва ногиронлар учун).

35. Меҳнат таътили муддатини ҳисоблаш ва ҳар йилги асосий таътилга чиқиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун, дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат шартномасида кўрсатилган ишлар ҳажми-

ни бажариш учун зарур бўлган норматив вақт қабул қилинади. Бунда касаначининг ишлаб чиқариш топшириғи ҳажми бир ой ҳисобига ушбу Низомнинг 34-бандида кўрсатилгандан ошмаслиги керак.

36. Касаначининг ҳар йилги меҳнат таътили муддати, агар касаначи қонун ҳужжатларига мувофиқ кўпроқ давом этадиган ҳар йилги асосий таътилга чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаса, 15 иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

Таътиллер бериш вақти ва навбати касаначи билан келишув бўйича иш берувчи томонидан тасдиқланган жадвалда белгиланади.

VI. Касаначиларни ижтимоий суғурта қилиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш

37. Касаначи мажбурий тартибда давлат томонидан ижтимоий суғурта қилинади.

38. Иш берувчи ва касаначи давлат томонидан ижтимоий суғурта бадалларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда тўлайдилар.

39. Касаначининг ишлаган вақти пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар миқдорларини тайинлаш учун меҳнат стажига кўшилади.

40. Касаначига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тўлаш, белгиланган тартибга мувофиқ иш берувчининг ишлаб чиқариш хоналарида ишлайдиган ходимлар сингари амалга оширилади.

41. Касаначилик меҳнати билан шуғулланувчи фуқароларнинг пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқи улар пенсия ёшига етганда ёки «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолларда бошланади.

42. Касаначининг жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашиши мажбурийдир.

Касаначининг жамғарилиб бориладиган шахсий пенсия ҳисоб рақамини очиш ва унга бадаллар тўлаш иш берувчи томонидан «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

43. Касаначига пенсиялар яшаш жойидаги ижтимоий таъминот органлари томонидан тўланади.

VII. Касаначининг меҳнат хавфсизлиги

44. Иш берувчи қуйидагиларга мажбур:

касанаича мумкин бўлган барча хавф-хатарлар тўғрисида ва касаначи ўзи олган иш топшириқлари муносабати билан кўрилиши керак бўлган эҳтиёткорлик чоралари тўғрисида йўриқномалар бериш, зарур бўлган тақдирда уни тегишли равишда ўқитиш;

касанаича бериладиган машиналар, жиҳозлар ёки бошқа асбоб-ускуналарнинг техник хавфсизлигини таъминлаш, уларда тегишли ҳимоя мосламалари мавжудлигини ва уларнинг соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;

касанаичини якка тартибдаги ҳимояланишнинг барча зарур воситалари билан текин таъминлаш.

45. Касаначи қуйидагиларга мажбур:

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича белгиланган барча кўрсатмаларни бажариш;

ўз хавфсизлигини эҳтиётлаш ва ўзининг ҳаракатлари ёки ишдаги камчиликла-

ри натижасида шикастланиши мумкин бўлган бошқа шахсларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича оқилона чоралар кўриш, шу жумладан материаллар, машиналар, жиҳозлар ва ўз тасарруфига берилган бошқа асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланиш.

46. Касаначи, агар у ишни ўз хавфсизлиги ёки саломатлиги учун муқаррар ва жиддий хавф туғдиради деб ҳисоблаши учун асосли сабабларга эга бўлса, ишларни бажаришдан воз кечиши ҳамда рўй берган ҳолатлар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Ушбу ҳолатлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар томонидан тасдиқланган тақдирда уйда иш-лашни давом эттириш аҳволни тузатиш учун зарур чоралар кўрилмагунгача вақтинчалик тўхтатиб турилиши керак.

VIII. Касаначилар меҳнатидан фойдаланадиган иш берувчиларга бериладиган имтиёзлар ва уларнинг қўлланишини солиқ органлари томонидан назорат қилиш

47. Иш берувчининг буюртмаси юзасидан тузилган шартнома бўйича ишларни бажариш учун касаначига текин фойдаланиш учун корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар фойдаланиш даврида мулк солиғи тўловидан озод қилинади.

48. Ушбу имтиёзни қўлланиш устидан назоратни амалга ошириш учун корхона (иш берувчи) солиқ органларига ҳисоботлар тақдим этишда касаначига берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарларнинг қолдиқ қийматини, уларнинг рўйхатини кўрсатиши шарт.

49. Товарлар ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун касаначиларга буюртмалар берган корхоналар касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан 2006 йил 1 февралдан бошлаб беш йилга озод қилинади.

Шу билан бирга, иш берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни амалга оширади.

Иш берувчи томонидан касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасининг алоҳида ҳисоби юритилади ва ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китоблари билан бирга давлат солиқ хизматига тегишли маълумотнома тақдим этилади.

50. Касаначилар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган буюртмачи-корхонани текшириш вақтида ўтказилиши мумкин.

IX. Яқуний қоидалар

51. Иш берувчи ва касаначи ўртасидаги меҳнат низоларини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

52. Касаначилик меҳнатини тартибга солувчи қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш вазифаси зиммасига юкланган мансабдор шахслар мулкдор ва касаначининг розилиги билан уйнинг касаначилик ишлари амалга ошириладиган қисмига ёки бошқа хусусий хонага киришлари мумкин.

Уйда ишларни бажариш тартибининг жиддий ёки бир неча марта бузилиши қайд этилган тақдирда мансабдор шахслар ишларни тўхтатиш бўйича чоралар кўриши, шу жумладан, бу тўғрида иш берувчини хабардор қилган ҳолда, уйга иш беришни тақиқлаши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан
ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун
НАМУНАВИЙ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ**

_____ шаҳар (туман, қишлоқ) 20__ й. «_____»

_____ корхонаси
(номи)

номидан иш кўрувчи _____ асосида фаолият
(устав, низом)

кўрсатувчи, кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб юритиладиган _____
(лавозими, Ф.И.О.) бир томондан ва кейинги

ўринларда «Касаначи» деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

иккинчи томондан ушбу шартномани қўйидагилар тўғрисида тузишди:

1. Меҳнат шартномаси предмети

1.1. Ушбу шартномада белгиланган шартларда олдиндан белгиланган тўлов учун товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) юзасидан иш берувчи учун қўйидаги ишларни уйда бажариш: _____

1.2. Касаначи _____
(меҳнат функцияси: мутахассислиги, малакаси)

сифатида ишга қабул қилинади.

1.3. Шартнома тури _____
(белгиланмаган муддатга, беш йилдан кўп бўлмаган

муайян муддатга, маълум бир ишни бажариш вақтига)

1.4. Касаначининг иш жойи: _____

1.5. Касаначи 20__ й. «__» _____ дан ишга тушиши шарт.

1.6. Меҳнатга ҳақ тўлаш:

а) Касаначига меҳнат ҳақи Иш берувчининг буюртмасини бажариш жадвалига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажмига боғлиқ ҳолда ишбай тарзда белгиланади.

Иш берувчи буюртмасини бажариш жадвали Касаначи билан келишган ҳолда белгиланади ва ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

б) Иш берувчи ҳуқуқлари ва молиявий имкониятлари доирасида қуйидаги қўшимча иш ҳақларини белгилайди (устама, мукофот, рағбатлантириш ва бошқа тўловлар):

(қўшимча иш ҳақи, устама, мукофот ва бошқа тўловлар номи ва миқдори)

1.7. Касаначи меҳнатига ҳақ тўлаш касаначи томонидан меҳнат нормалари ва меҳнат мажбуриятлари бажарилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан паст бўлиши мумкин эмас ва бирон-бир энг юқори иш ҳақи миқдори билан чегараланмайди.

Касаначига меҳнатига ҳақ тўлаш нақд пул шаклида амалга оширилади.

1.8. Касаначи давлат томонидан ижтимоий суғурта қилинади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Касаначи қуйидагиларга мажбур:

2.1.1. Ишларнинг қуйидаги турларини бажариш: _____

(ишнинг асосий тавсифи ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар кўрсатилади)

2.1.2. Ушбу шартноманинг 2.1.1-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажаришга виждонан муносабатда бўлиш.

2.1.3. Иш берувчи томонидан ўзига берилган мол-мулк (асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар)нинг сақланишини таъминлаш.

2.1.4. Иш берувчи томонидан талаб қилинадиган сифат стандартларига асосан маҳсулотларни Иш берувчига топширишга жадвалга мувофиқ ўз вақтида тайёрлаш.

Ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан (электр энергияси, сув, газ ва ҳоказолар бўлмаганда) буюртмани бажариш ва маҳсулотларни топшириш имконияти бўлмаганда, бу тўғрида муддати келгунга қадар _____ кундан кечикмасдан Иш берувчини хабардор қилиш.

2.1.5. Материаллар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар бузилиши, шунингдек белгиланган нормативлар доирасида ҳамда тегишли далолатномага асосан тўлиқ ёки қисман яроқсиз бўлган маҳсулотлар билан боғлиқ зарарни Иш берувчига қоплаш.

2.1.6. Меҳнат шартномаси бўйича ишларни бажариш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматлар ҳақини қатъий равишда ўлчов асбоблари кўрсаткичлари бўйича аҳоли учун қўлланиладиган тарифларга мувофиқ тўлаш.

2.1.7. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш.

2.1.8. Меҳнат ташкил қилинган хонага хатлов ўтказиш даврида иш берувчининг ва иш берувчини ҳужжатли текшириш ўтказилаётганда солиқ хизмати органларининг вакиллари киришига рухсат бериш.

2.1.9. Иш берувчининг унга берилган технологиясининг махфийлигига риоя қилиш.

2.1.10. Бошқа иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини имзолаш учун Иш берувчининг ёзма розилигини олиш.

2.1.11. Меҳнат тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

2.2. Иш берувчи қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.2.1. Ушбу меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ Касаначига иш (буюртма) бериш.

2.2.2. Касаначини топшириш далолатномасига мувофиқ Буюртмани бажариш учун зарур бўлган техник жиҳатдан хавфсиз асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарь билан таъминлаш.

2.2.3. Белгиланган жадвалга асосан буюртмани бажариш учун Касаначини тегишли сифатдаги хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан ўз вақтида таъминлаш ва уларни етказиб бериш.

2.2.4. Касаначи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жадвалга мувофиқ олиб кетилишини таъминлаш.

2.2.5. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) бўйича Касаначининг меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаш.

2.2.6. Касаначининг буюртманомаси бўйича буюртмани бажариш учун унга берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарни таъмирлаш, шунингдек зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш.

2.2.7. Иш берувчининг буюртмасини бажариш учун Касаначининг асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва инвентаридан фойдаланилган тақдирда, ижара шартномасига мувофиқ (ижара тўлови Иш берувчи томонидан нақд пул билан амалга оширилади) унинг харажатларини қоплаш.

2.2.8. Иш берувчининг буюртмасини бажариш билан боғлиқ фойдаланилган энергия, сув, алоқа учун Касаначининг харажатларини қоплаш (компенсация қилиш).

2.2.9. Касаначига меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентардан фойдаланиш тўғрисида йўриқномалар бериш.

Буюртма бўйича ишларни бажаришда зарур бўлган шахсий химояланиш воситалари билан Касаначини бепул таъминлаш.

2.2.10. Касаначининг меҳнат дафтарчасига белгиланган тартибда ёзувларни қайд этиш, уни сақлаш ва ишдан бўшатиш кунда Касаначига бериш.

2.2.11. Меҳнат шартномаси амал қилиш даврида Касаначининг ижтимоий сугуртасини амалга ошириш.

2.2.12. Касаначининг жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисоб рақамини очиш ва унга бадалларни ўз вақтида тўлаш.

2.2.13. Касаначига давлат ижтимоий сугуртаси бўйича (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳолларида, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, бола туғилганда ва дафн этиш учун) нафақаларни тўлаш.

2.2.14. Меҳнат тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

3. Иш тартиби

3.1. Касаначи иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлайди, у бажарган барча ишларга бир ҳисса миқдорда ҳақ тўланади ва унга иш вақтидан ташқари ишлаганлик, дам олиш ва байрам кунларида, шунингдек тунги вақтда ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланмайди.

3.2. Касаначига иш ҳақи сақланган ҳолда ___ кундан иборат таътил берилади.

3.3. Касаначига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қўшимча таътил берилади.

3.4. Таътилни пул компенсацияси билан алмаштиришга рухсат этилмайди,

берилган таътидан фойдаланмаган Касаначини ишдан бўшатиш ҳоллари бундан мустасно.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Касаначи ушбу шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган, меҳнат тўғрисидаги қонунлар бузилган, шунингдек моддий зарар етказган тақдирда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий, моддий ва бошқа жавобгар бўлади.

4.2. Агар буюртма берилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда узилишлар Касаначига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (электр энергиясининг ўчирилиши, газнинг йўқлиги ёки паст босимлиги ва ҳоказолар) содир бўлган бўлса (бу тўғрида Касаначи буюртма берилган маҳсулотларни топшириш муддатлари келгунга қадар агар бунинг имкони бўлмаса — мумкин қадар қисқа муддатда Иш берувчини хабардор қилишга мажбур) Касаначига нисбатан жарима санкциялари қўлланилмайди.

4.3. Шартномада белгиланган муддатлар ва ҳажмларда хом ашё, материалларни етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни олиб кетишда узилишлар бўлган ҳолларда, бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаганда, шунингдек ушбу шартнома бажарилмаслигининг бошқа барча ҳолларида Иш берувчи амалдаги қонун ҳужжатларига асосан моддий ва бошқача тарзда жавобгар бўлади.

5. Меҳнат шартномасини тўхтатиш

5.1. Ушбу меҳнат шартномасини тўхтатиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

5.1.1. Томонларнинг келишуви.

5.1.2. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган ишларнинг бажариб бўлиниши.

5.1.3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддасида назарда тутилган асосларга кўра меҳнат шартномасининг Касаначининг ташаббуси билан бекор қилиниши.

5.1.4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддасида назарда тутилган асосларга кўра меҳнат шартномасининг Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши.

5.2. Меҳнат шартномасининг тўхтатилиши томонларни шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Ушбу меҳнат шартномаси шартлари томонлар учун мажбурий юридик кучга эга. Мазкур меҳнат шартномасига барча ўзгартириш ва қўшимчалар икки томонлама ёзма келишув билан расмийлаштирилади.

6.2. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилади.

6.3. Меҳнат шартномасини бажариш чоғида томонлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

6.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, унинг бир нусхаси Иш берувчида, иккинчи нусхаси Касаначида сақланади.

Томонларнинг имзолари:**Иш берувчи:**

_____ (_____)

Юридик манзили: _____
М.Ў.**Касаначи:**

_____ (_____)

Паспорт серияси _____ № _____, _____ берилган

(ким томонидан, қачон)

Яшаш жойи манзили _____

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

10 Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
11 январда 1535-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 21 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида» низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 ноябрь,
26/5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

11 Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларига
шовқинлар бўйча Сертификат бериш тўғрисидаги
йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
12 январда 1360-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 22 январдан кучга киради)

Фуқаро авиацияси Халқаро ташкилоти (ИКАО) талабларини жорий қилиш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлиги назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 16 апрелдаги 53-сонли буйруғи билан (2004 йил 20 май, рўйхат рақами 1360) тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйча Сертификат бериш тўғрисидаги йўриқномага, иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан 10 кун ўтгач кучга киради.

3. Ишлар бошқармаси томонидан девонхона билан ҳамкорликда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида ўзгартириш ва қўшимчаларнинг кўпайтирилиб барча авиакомпаниялар ва манфаатдор ташкилотларга тарқатилиши таъминлансин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назорат сертификатлаш, лицензиялаш ва парвоз хавфсизлиги устидан назорат қилиш Бошқармаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

**Парвозлар хавфсизлиги назорати қилиш Давлат инспекцияси
бошлиғи Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 21 декабрь,
155-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Аллий вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъерий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 7 январдан 13 январгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Пул маблағларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 26 ноябрдаги 26/5-сон қарори.*

2006 йил 11 январда 1535-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 21 январдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича Сертификат бериш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2005 йил 21 декабрдаги 155-сон буйруғи.*

2006 йил 12 январда 1360-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 22 январдан кучга киради).

